

Геологик жараёнлар ва уларнинг ер пустини ривожлантиришдаги ахамияти

Режа:

- 1. Умумий тушунчалар**
- 2. Эндоген геологик жараёнлар**
- 3. Магматизм**
- 4. Тектоник харакатлар**
- 5. Сейсмик ходисалар (зилзилалар)**

Умумий тушунчалар

Геологик жараёнлар деб, ер пустининг таркибини, тузилишини, ётиш холатини узгартирадиган хамда тог жинсларини хосил киладиган, табиий жараёнларга айтилади.


Геологик жараёнлар содир булиш муддатига кура турлича булади: айримлари жуда тез муддатда тугалланади (вулкон отилишлари, зилзилалар) айримлари эса жуда узок вакт, узлуксиз, сокин бир неча миллион йиллар давом этади (тектоник харакатлар, дарёларнинг уз узани ва киргокларини ювиши) ва ернинг ташки киёфасини ва ички тузилишини узгартиради.

Экзоген геологик жараёнлар ер юзасида содир булади ва хароратнинг кеча-кундуз ва фасл давомида узгариши, ёмгир, кор сувлари таъсири, денгиз сувларининг кутарилиши ва пасайиши, шамолнинг таъсири натижасида тог жинслари парчаланади ва бу парчаланган жинс булаклари турли масофаларга ташилади, ёткизилади ва янги чукинди жинс уюмларини хосил килади. Экзоген геологик жараёнларига организмларнинг скелет колдиклари ва усимлик колдикларидан чукинди жинс хосил булиши жараёнлари хам таллуклидир.

Эндоген геологик жараёнлар дейилганда, ернинг ички сфераларидан ажралиб чиккан магма массасининг литосфера катламларидағи харакати тушунилади. Тог жинси катламларининг бурмаланиши ёки узилиши натижасида ер пустининг айрим кисмлари ёриклар юзаси буйлаб кутарилиши ва букилиши натижасида тог тизмалари ва ботикликларнинг хосил булиши хам киради. Бу массанинг бир кисми ер пустидаги йирик ёриклар оркали ер юзига сизиб чикиши мумкин.

Магма массасининг литосфера ёриклари буйлаб харакати жараёнида, литосферанинг айрим кисмлари каттиқ киздирилади, атрофида жойлашган жинсларга эритмалар, газлар, буглар катта босим билан таъсир курсатади ва натижада жинсларнинг таркиби, тузилиши ва ётиш холати узгаради.

Ички ва ташки кучларнинг қарама-каршилиги, узаро таъсири ва бирлиги планетамиз тарихий ривожланишининг диалектикасидир.



Эндоген ва экзоген жараёнларнинг умумий турлари

Эндоген геологик жараёнлар

Эндоген геологик жараёнларга:

1. магматизм,
2. ер пустининг харакати
3. сейсмик ходисалар киради.


Литосфера билан мантияning чегара кисмида термодинамик мувозанат бузилса (харорат ортса ёки босим камайса), ута зичланган моддалар суюк холатда утади. Суюлиш натижасида моддаларнинг зичлиги кескин пасаяди, хажми катта микдорга ортади. Натижада бу кизиган суюк моддаларнинг литосферага сингиб кириши учун шароит яратилади ва суюк моддаларнинг дифференциацияси бошланади. Ер каърининг бундай кисмларидан юкорида жойлашган чукинди катламлар чука бошлайди, натижада тошкобик жинслари синиб йирик ёрикларни хосил килади ва суюк кизиган моддалар бу ёриклардан ер юзига окиб чика бошлайди.

Магматизм

Ернинг ички кучлари таъсири остида пайдо буладиган ер каърида суюлган моддаларнинг литосферага сингиб кириши ёки ер юзига окиб чикиши билан bogлик булган жараёнлар **магматизм дейилади**.


Бу жараёнларнинг кечиши икки хил омил билан bogлик, яъни литосферага таъсир киладиган магманинг босим кучи ва унга каршилик курсатадиган литосфера массасининг каршилик курсатиш кучлари орасидаги узаро нисбати билан, литосфера катламларида ёрик ва дарзларнинг мавжудлиги ва бошка бузилган минтакаларнинг мөнчукулти бутон болти.

Интрузив магматизм. Магма массасининг ер пустига сингиб кириши икки йул билан содир булади. Биринчидан магматик масса унинг харакатига тускинлик киладиган литосфера катламларини кисман четга суради, узлаштиради ёки эритади ва харакати учун узига йул очади.



Интрузияларнинг ётиш шакллари

- 1-батолит; 2-этмолит;
- 3-гарполит; 4-шток;
- 5-лакколит; 6-факолит;
- 7-томир; 8-гумбаз;
- 9- 12-лава окимлари;
- 10-некк; 11-лава хайкали;
- 13-лава учоги; 14-силла;
- 15-дайка; 16-лакколит



Intruziv jinslar

Granit



Gabbro



Pegmatitlar

Pegmatiklar yirik goho gigant donador tuzilishga ega bo'lgan inturuziv jinslar bo'lib ular suv va boshqaeruvchan moddaga boy bo'lgan magmalar hosilasidir. Suvli uchuvchanlarga to'yingan magmalarda kristallarning o'sishi uchun kera bo'ladi. Shuning uchun bunday magmalardan minerallarning yirik kristallari hosil bo'ladi.



Kvaloya, Otervik atrofidagi pegmatit



Pegmatit

Иккинчи магма литосферадаги ёрик ва дарзлар буйлаб кутарилади. Ички босим ташки босимга нисбатан катта ерларда, магма литосфера катламларини чекка томонларга суради ва турли катталиқдаги массивларни хосил килади.

Эффузив магматизм (*vulqon*). Ер юзасининг узлуксиз ёки уктин-уктин, юкори хароратли, каттик, суюк ва газсимон маҳсулотлар отилиб чикиб туралган кисмини вулкан дейилади. Лавалар, каттик жисм булаклари газлар ва буглар ер юзига дарз ва ёриклар оркали отилиб чикади.

Газсимон маҳсулотлар. Газлар вулконлардан бир меъёрда, сокин ёки катта кучли портлаш жараёнида ажралиб чикади. Газлар турли солиштирма огириларга эга булганликлари учун булувлар куринишида пастлик томон харакатланади ёки атмосферага кутарилиб аста-секин карагайга ухшаш шаклни хосил килади.


Сув бугларидан ташкари вулконлардан хлор, азот, хлорли ва фторли водород, олtingугурт гази, аммиак, хлорли ва углеродли аммоний, кислород, CO₂ гази, метан, бром, фтор, ва катор хлоридли металлар ажралиб чикади.

Каттик махсулотлар. Вулкан отилиши жараёнида ер юзига турли катталиқдаги жинс парчалари отилади. Жинс булаклари билан бир каторда атмосферага лаванинг майда кукунлари отилади, улар атмосферада совиб котади ва ер юзига тукилади.

Агар отилган жинс булакларининг катталиги 5-10 сантиметрдан катта булса, вулкон бомбалари, 1-5 сантиметр булса вулкон лапилллари, яна хам кичиклари эса **вулкон кумлари** ва **вулкан кули** дейилади.


Суюк махсулотлар. Вулкондан отилиб чикадиган киздирилган эриган суюк махсулотлар лава дейилади. Лаванинг таркибида деярли сув буглари ва газлар булмайди. Кимёвий таркибида эса O, Si, Al, Mg, Fe, Na, Ca, K, H ва бошка элементлар куп учрайди. Лаванинг харорати 800-1300C орасида узгариб туради.

Ер юзига окиб чиккан суюк лава гумбаз, оким ва коплама шаклларини хосил килиб жойлашади.



Вулкон учогининг тузилиши (М.М.Жуков, В.И.Славин, Н. Н.Дунаевалар буйича):

1- лава учоги; 2- лава окими; 3-сомма; 4-конуси; 5-бугзи; 6- кратери; 7-калдери



облако пепла и газа

кратер вулкана

потоки лавы

жерло

лава



Схема стратовулкана (слоистого вулкана)

Жерло

Слои лавы и шлака

Вулканическая бомба

Магматический очаг

Слои земной коры

Паразитные жерла

Щитовой вулкан


Effuziv jinslar.



Bu rasimda gavay orolidagi Mauno-lao vulqoni yonbag'ri bo'ylab harakat qilayotgan lava oqmasi keltirilgan. Lavaning kristallanishi natijasida effuziv jinslar hosil bo'ladi. Yer yuzasida hosil bo'lgan jinslar magmatik jinslar vulkanik jinslar yoki lavalar deyiladi.







Yerning ichki qismidagi kristal va eritma majmuasi magma deyiladi. Vulqonning otilishi natijasida ushbu majmuuning yer yuziga chiqib borgan qismiga lava deyiladi.

Тектоник харакатлар

Ер пусти хосил булган вактидан бошлаб узлуксиз харакат килиб туради. Ер пустининг ёки унинг айrim кисмларининг хамма табиий харакатлари **тектоник харакатлар деб аталади**.

Тектоник харакатлар аксарият жуда узок вакт ва секин содир булганликлари учун уларни бевосита урганиш имконияти мавжуд эмас.

Тектоник харакатлар узаро боғлиқ булган куйидаги турларга булинади:

1.Ер пусти айrim кисмларининг секин-аста кутарилиши ва бошка кисмларининг пасайиши ёки бу кисмларнинг горизонтал йуналишда уз жойини узгартиришидан узини намоён киладиган тебранма харакатлар;

2.Тог жинси катламларининг бурмаларга букилишига олиб келувчи бурма хосил килувчи харакатлар;

3.Тог жинси катламларининг узилишига олиб келувчи харакатлар зилзилаларни келтириб чикаради ва ер кобигини кучли силкинишига ва айrim ерларда бир лахзада тог жинсларининг четнаб кетишига, ёрилиб кетишига сабаб булади.

Ер пустининг кучсиз ва кичик амплитудали тектоник харакатлар характеристига хос булган кисмини унинг *платформаси*, кучли ва тез узгарувчан, катта амплитудали харакатига мансуб булган кисмига эга геосинклинал дейилади.

Тебранма тектоник харакатлар. Ер пустининг бирор бир кисми, тулик-сокин холатда булмайди. Тебранма харакатлар, ер пустининг айрим кисмларининг сокин, нотекис вертикал буйича кутарилишида ва ён-атрофдаги кисмларнинг пасайишида узини намоён килади. Харакат йуналишлари доимо узгариб туради, авваллари кутарилган худудлар пасайишлари мумкин. Шунга мувофик айтиш мумкинки, тебранма харакатлар доимо узгариб турувчи, кайтариilmайдиган тулкинсимон жараёндир, кутарилиш ва пасайиш ер пустининг бир кисмida бир вактда содир булмайди ва хар сафар тулкин куринишида фазода горизонтал юзада уз жойини узгартириб туради.

Агар ерлар пасайса денгиз кул, хавзаларининг чегаралари узгаради, куруклик ерларни ва дарё водийларини сув босиши мумкин.

Дарё водийлари жойлашган ерлар кутарилса, янги террасалар хосил, булиб уларнинг сони ва баландлиги ортади, кенглиги кичик булади, пасайган ерларда эса дарё террасаларининг сони бир-иккidan ортмайди, уларнинг баландлиги кичик булади ва аллювиал ётқизикларнинг калинлиги катта булади.

Катламларнинг бирламчи ётиш холатининг бузилиши-дислокациялар дейилади ва эндоген, экзоген кучларининг таъсирида пайдо булади.

Тог жинсларининг бурмалар шаклида ётиши.

Геосиклинал худудларнинг кичик бир кисмларида тог жинси катламларининг горизонтал юза буйлаб сикилиши натижасида бурмаланиш ходисаси руй беради.

Синклинал деб каварик томони билан пастга караган, катламларнинг ётиши бир томонга йуналган, узагида энг ёш жинслар жойлашган бурмаларга айтилади. Бурмаларнинг ён томонлари унинг **канотлари** дейилади.

Тог жинсларининг узилма шаклида ётишлари (узилмали бузилишлар). Тектоник жараёнлар натижасида шунчалик катта кучланиш хосил буладики тог жинсларининг деформацияланиш кобилияти йуколиб, катламларда узилиш пайдо булади. Катламлар узилиши ва синиши натижасида уз жойини узгартиради Узилмаларнинг энг оддий куриниши ер пустида кенг таркалган ёриклар хисобланади.

Хосил булиши (генезиси) буйича ёриклар **тектоник ва тектоник булмаган ёрикларга булинади**. Тектоник булмаган ёрикларга жинс хосил булиши жараёнида хосил булган ёриклар, катламланиш, нураш, агдарилиш, сурилиш жараёнларидан хосил булган ёриклар киради.


Тектоник ёриклар одатда бир томонга ёки бир неча томонга доимо йуналган булади. Бу ёриклар фактат бир хил тог жинсларининг катламларини кесиб утмай, балки турли-ёшга ва таркибга эга булган катта-катта жинс катламларини кесиб утиб, уларни айрим блокларга булади.

Узилма бузилишлар вертикал ва горизонтал юзада уз уринларини узгартиришлари мумкин. *Силжиган узилма бузилишлар сброс, взброс (ёки акссброс), сурилиш, горст ва грабенлар куринишида булади.*

Оsic канотлар тик ёки вертикал йуналишда силжиш юзаси буйлаб пастга харакатланган булса (тушган) бундай узилмани *сброс* дейилади. Агар ётган каноти осик канотига нисбатан кутарилса акс *сброслар ёки взброслар* деб аталади.

Грабенлар - икки сброс тизими билан чегараланган ернинг чуккан кисмини курсатади.

Акс сброс тизими буйлаб кутарилган ернинг кисмига *горст* дейилади.



**Узилма дислокацияларнинг турли шакллари
(В.Д.Войлошников буйича)**


1-сброс; 2-взброс; 3-зинасимон сброс; 4-зинасимон взброс; 5-грабен; 6-рамп; 7-горст; 8-взброс билан чегараланган горст; 9-грабен-синклинал; 10-горст-антиклинал; 11-бурмаланиш билан бир вактда хосил булган надвиг; 12-14-горизонтал юза буйлаб сурилиш турлари; 15-таъсир кучларининг иуналиши; 16-тог жинсларининг сурилиш



■ Пример
микродизъюнктива
в кальците. В
аншлифе хорошо
видно
вертикальное
смещение слоёв.



- Тектонический разрыв с небольшим сбросом.
Франция, 5 августа 2007 года.



- Пример пликативной дислокации — антиклинальная складка. Северная Америка, Нью-Джерси, 8 августа 2005 года.

Синклинальная складка, Калифорния, 9 марта 2010 года.



Сейсмик ходисалар (зилзилалар)

Зилзила деб, табиий кучлар таъсирида ер пустининг силкиниш ходисасига айтилади. Зилзилалар Ер каърининг маълум бир нукталарида йигилган катта кучланишнинг бир зумда сарфланиши натижасида содир булиб, сейсмик станцияларда урнатилган махсус курилмалар (сейсмограф, сейсмометрлар) билан кайд килинади.

Ер пустида ёки мантияning юкори кисмида жинс массивларининг силжиши натижасида эгилувчан тулкин пайдо буладиган жойи **зилзила гипоцентри (учоги)** дейилади.


Хосил булиши чукурлиги буйича; юзада (гипоцентрнинг чукурлиги 50 километргача), урта чукурликларда (гипоцентрнинг чукурлиги 50-300 километргача), катта чукурликларда (гипоцентрнинг чукурлиги 300 километрдан ортик) содир буладиган зилзилаларга булинади.

Агар гипоцентр оркали ер радиуси утказилса, шу радиуснинг ер юзаси билан кесишган нуктаси **эпицентр** дейилади.

Зилзила жараёнида литосферада икки хил силкинма ва тебранма харакат вужудга келади.

Гипоцентрда хосил булган эгилувчан тулкинлар икки хил буйлама ва кундаланг тулкинлар куринишида таркалади. Буйлама тулкинлар таъсиридан жисмлар сикилади, чузилади ва хажми узгаради.

Мухитнинг зарралари тулкин йуналиши буйича силжийди. Кундаланг тулкинлар жисмларнинг даврий суримишига ёки шаклининг узгаришига олиб келади. Ер юзасида зилзиланинг эпицентрида каттик ва газсимон мухит чегарасида юза тулкинлари хосил булади.



**Сейсмик тулкинларнинг
гипоцентрдан Ер юзига
чикиш схемаси**

Масалан: 1966 йил 26 апрелда Тошкентда булган зилзила вактида 3 ойда 600 та зарба кайд килинган.

Сейсмографнинг асосий ишчи кисми маълум бир юзада тебранадиган маятниги хисобланади. Зилзила вактида зарба тъсирида маятникнинг штативи тупрок (ер юзи) билан бирга огди маятник эса бу харакатдан инерция тъсирида штативининг асосидан ортда колади. Натижада маятник тебранади ва унинг уткир учи харакатланаётган тасмага чизади. Зилзиланинг кучига караб тулкин амплитудаси турлича булади ва зилзила харакатининг чизма тасвири бунёдга келади.

Тектоник зилзилалардан ташкари кичик майдонларда денудацион ва вулкон зилзилалари содир булиши мумкин.

Денудацион зилзилалар тог жинси массивларининг кулаши тъсиридан хосил булган туртки натижасида хосил булади. Аксарият бундай кулашлар ер юзига якин чукурликда жойлашган ер ости бушликлари табиий шипларининг бузилиши натижасида руй беради. Денудацион зилзилалар карст ривожланган туманлар учун хам характерлидир. Лекин катта кулашлар ер юзида вужудга келади. Денудацион зилзилалар тъсиридан ер пустида вужудга келган тебранма харакатлар унча катта тъсирили булмайди ва кичик масофаларга таркалади ва тъсири килади.

Сейсмик ходисаларни гидротехник иншоотлар курилишида хисобга олиш зарур.

Масалан: зилзила кучи таъсирида кумлар зичланиши, гилли жинсларнинг холати ва мустахкамлиги узгариши мумкин.

**Эътиборингиз
учун раҳмат !!!**
